

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САИДХОДЖАЕВА САИДА НАБИЕВНА

БОЛАЛАРДА ДИҚҚАТ ЕТИШМОВЧИЛИГИ ВА ГИПЕРФАОЛЛИК
СИНДРОМИНИНГ КЛИНИК-НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ВА ГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Content of the dissertation abstract of the doctor of Philosophy (PhD)

Саидходжаева Саида Набиевна

Болаларда диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдромининг
клиник-нейрофизиологик ва генетик хусусиятлари..... 3

Саидходжаева Саида Набиевна

Клинико-нейрофизиологические и генетические особенности
синдрома дефицита внимания с гиперактивностью у детей..... 27

Saidkhodjaeva Saida Nabievna

Clinical-neurophysiological and genetic features of attention deficit
hyperactivity disorder in children..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САИДХОДЖАЕВА САИДА НАБИЕВНА

БОЛАЛАРДА ДИҚҚАТ ЕТИШМОВЧИЛИГИ ВА ГИПЕРФАОЛЛИК
СИНДРОМИНИНГ КЛИНИК-НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ВА ГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib310 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маджидова Якутхон Набиевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шамансуров Шаанвар Шамуратович тиббиёт фанлари доктори, профессор Асланова Саодат Набиевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Иваново давлат тиббиёт академияси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Б. Г. Гафуров

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдроми (ДЕГС) болаларда ахлоқ бузилиши ва ўқиш қийинлашувига энг кўп сабаб бўладиган белгилардан биридир. Бундай ахлоқ ўзгаришлари потенциал равишда академик ўзлаштирмаслик, ижтимоий ахлоқсизлик, ҳаёт сифати даражасининг пасайиши ва ижтимоий паст мавкега олиб келувчи эътибор бузилиши, гиперфаоллик ҳамда импульсивлик билан белгиланади. ЖССТ маълумотларига кўра, дунёда 3% дан 7% гача болаларда диққат етишмовчилиги синдроми ва гиперфаоллик учрайди (ДЕГС).¹ Эпидемиологик тадқиқотлардаги маълумотларга кўра, РФда ДЕГСнинг учраши частотаси 6 — 15 ёшли болаларда 4,0 — 9,5 % ни ташкил этади,² айрим хориж муаллифлари келтирган маълумотларга кўра эса, бу кўрсаткич 20-28 % га етади.³

Дунё миқёсида сўнгги йилларда болаларда ДЕГСнинг клиник-неврологик, нейрофизиологик ва генетик хусусиятларининг долзарб йўналишларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан ДЕГСни эрта аниқлаш, генетик маркерларини ўрганиш, клиник-диагностик текширувлар ёрдамида когнитив бузилиш даражасини баҳолаш жуда муҳим ҳисобланиб, касаллик диагностикаси, профилактикаси ва даволаш стандартлари сифатини яхшилаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда ҳозирги вақтда тиббий хизмат тубдан такомиллаштирилмоқда. 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, айнан тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг сифатини ошириш ва қулай шароитлар яратиш, аҳоли ўртасида соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш вазифалари белгиланди.⁴ Шунга кўра болаларда ДЕГСнинг клиник-нейрофизиологик ва генетик хусусиятларини, унинг ривожланиши хавф омилларини аниқлаш билан белгилаш ва тиббий хизмат кўрсатиш тизими ҳамда касаллик кўрсаткичларини пасайтиришга ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш тиббиётнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сонли «Шошилич тиббий ёрдам тизимини тезкор яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ ЖССТ нинг маълумоти 2014 йил

² Н.Н. Заваденко, 2006

³ American Academy of Pediatrics, 2016

⁴ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ДЕГС пайдо бўлиш сабаблари ёритилган кўплаб тадқиқотларга қарамай, ҳозирга қадар ушбу муаммо бўйича ягона фикрга келинмаган (Н.В.Михайличенко, 2001; И.П.Брызгунов, Е.В.Касатикова, 2002; М.Г.Узбеков, 2006). Ҳозирги вақтда ДЕГС ташхиси клиник мезонларга асосланади. ДЕГСни ташхислаш учун замонавий психологик, нейрофизиологик, биокимёвий, молекуляр-генетик, нейрорадиологик ва бошқа усуллари қўллашга асосланган махсус мезон ёки тестлар мавжуд эмас.

Сўнги 15 — 20 йил мобайнида олимлар диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдромининг генетик табиатини ўрганиш борасида олдинга катта қадам ташлашди. Тадқиқотлар асосан, уч турдаги: психогенетик, молекуляр ва фармакогенетик маълумотларга асосланади. Генетик тадқиқотлар айрим болаларда ДЕГС пайдо бўлиши ўзига хос ген орқали келиб чиқиши мумкинлигини исботлади. Дастлабки тадқиқотлар ген, кодловчи допаминли узатма ва ДЕГС ўртасидаги боғлиқликни аниқлади. Бир қатор тадқиқотлар DRD4 рецепторлари гени экспрессияси ва фронтал қобикнинг кулранг моддаси қатлами ўртасидаги ижобий муносабатни кўрсатди. Шунингдек, DRD2 каби DRD4 ҳам катехоламин томонидан таъминланадиган ва ўқиш ҳамда ахлоқнинг мотивацион воситачилиги учун асос бўладиган «ички мустаҳкамлаш» механизмида иштирок этиши аниқланди [Rowe D.C. et al., 2001].

ДЕГСнинг фақатгина ташқи кўринишда бошланғич пайдо бўлишини эмас, балки сабаблари ва тузатиш усулларига кўра ҳам фарқланадиган кенг доирадаги ҳолатларини чегаралаш зарур. Шунинг учун мутахассисларга ДЕГСнинг эрта пайдо бўлиш белгиларини аниқлаш муҳимдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг режасига мувофиқ «Болаликдаги неврологик касалликлар ривожланишининг асосий патогенетик механизмларини ўрганиш. Клиника, ташхислаш, комплекс терапия ва профилактика масалалари» (2011 — 2017 йй.) амалий лойҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ДЕГС бўлган болаларда касалликни ривожлантирувчи хавф омилларини белгилаш билан клиник-нейрофизиологик ва генетик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда ДЕГСни ривожлантирувчи энг муҳим хавф омилларини аниқлаш;

болаларда ДЕГСнинг турли шаклларида клиник-неврологик белгилари ҳамда коморбид бузилишларининг хусусияти ва тузилишини тасвирлаш;

болаларда миянинг биоэлектр фаоллиги бузилиш табиати ва келиб чиққан когнитив P300 потенциали аҳамиятини белгилаш билан ДЕГСнинг нейрофизиологик хусусиятларини ўрганиш;

Ўзбекистонда болаларда ДЕГС шаклланишида DRD4 генининг rs 1800955 полиморфизмлари ва DRD2 генининг rs 1800497 полиморфизмлари ролини ўрганиш;

ДЕГС мавжуд бўлган болалар кариотипида цитогенетик реанжировкаларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ДЕГС бўлган 201 нафар боланинг клиник-неврологик, нейрофизиологик ва генетик текширувлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети оналар ва болаларнинг анамнез анкеталари, DSM 4 шкаласи ва Вандербильт сўровномаси, электроэнцефалограмма, P 300 ни рўйхатга олиш графикларидан иборат. Молекуляр-генетик тадқиқотлар учун қон зардобидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анамнез ва клиник маълумотлар, нейропсихологик тестни ўз ичига олган неврологик текширув, нейрофизиологик текширув (ЭЭГ, КВП, P300), молекуляр-генетик ва цитогенетик тадқиқот усуллари қўлланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли ёш даврларида диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдроми хусусиятлари ҳақида янги илмий назариялар яратилди, шунингдек, ДЕГС пайдо бўлишида биологик ва ижтимоий хавф омиллари хавф омилларининг аҳамияти таҳлил қилинган;

эркак жинси, перинатал патология ва ижтимоий-психологик стресснинг юқори даражаси болаларда диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдромининг мезонлари тавсифланган ҳолда омилларининг турли ёш даврларидаги структуралари аниқланган ва кичик ёшли болалар ва ўсмиринлардаги биологик ҳамда психологик хавф омилларини бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

DRD2 генининг rs 1800497 полиформизм генотиплари ва аллеллари частотасининг тақсимланиши ушбу генетик полиформизм ва болаларда ДЕГС шаклланиши ўртасида патогенетик муносабат асосида юзага келиши аниқланган;

салбий аллель таркибли генотиплар «Т» (С/Т ва Т/Т ёки А1/А2 ҳамда А1/А1 генотипларга мос равишда) болаларда ДЕГС ривожланиш хавфи ошишини прогнозлаш учун мустақил генетик маркерлар экани исботланиб, С/С (А2/А2) генотипи ушбу синдром белгилари шаклланишида химояловчи таъсирга эгаллиги асосланган;

ДЕГС билан ассоциацияланган Y-хромосомалари узунлигининг ортиши, синдромнинг ривожланиш эҳтимолини прогнозлаш ва касаллик ривожланишига мойилликни эрта аниқлаш мақсадида диагностикада қўллашда ҳамда профилактик ва коррекцияловчи чора-тадбирларни қабул қилишда омиллардан бири бўлиши мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

иккала жинсдаги болалар орасида ДЕГС асосий типларининг хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар, ушбу синдром хавфини шакллантирувчи биологик ва ижтимоий омиллар текширилаётган ва динамик кузатувда бўлган болалар гуруҳини шакллантириш учун педиатрик хизмат кўрсатишда қўлланиши тавсия этилган;

ДЕГС асосий клиник пайдо бўлишининг (гиперфаоллик, импульсивлик, диққат бузилиши) ёшга оид динамикаси белгиланган;

ДЕГС бўлган болаларни комплекс текшириш натижалари турли ёшда ушбу синдромнинг клиник пайдо бўлиши ҳақидаги тасавурларни аниқлаштиради ва тўлдиради, диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдроми ва ёндош белгиларнинг аниқланган ёшга оид динамикаси хусусиятлари эса аниқ ташхислаш ва беморни даволаш самарадорлиги адекват баҳоланган;

кариотипнинг цитогенетик ўзгаришларини ўрганиш синдромни ривожланиш эҳтимоллигини прогнозлашга ва синдром ривожланишига мойилликни эрта аниқлаш мақсадида диагностикада қўллашга ҳамда коррекциялаш ва даволаш чора-тадбирларида самардорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий, клиник, инструментал, молекуляр-генетик текширувлар ва статистик усул, замонавий компьютер технологиялари ёрдамида олинган рақамли маълумотлар қўлланганлиги, назарий ва амалий тадқиқотларни амалиётда қўллашдаги ўзаро адекватлик билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, илк бор DRD2 ва DRD4 ген-номзодлари ва С/Т полиморфизларини генотипик бириктириш асосида ДЕГС шаклланиши ва ривожланишининг янги гипотетик назарияси яратилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти болаларда ДЕГС ривожланишига мойилликни эрта аниқлаш мақсадида диагностикада қўллаш мумкин бўлган ташхислаш усулини оптималлаштиришдан иборат. Болаларда ДЕГСни ташхислаш учун ишончли ва ҳаққоний бўлган меъёрни баҳоловчи DSM-IV сўровномасини қўллаш тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдромини ташхислаш асосида олинган илмий натижалар асосида: «Болаларда диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдромини ташхислаш» номли услубий тавсия тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 01 февралдаги № 8Н-Р/17-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсия ташхис натижаларини оширишга ва иқтисодий харажатларни 18 % га қисқартиришга имкон беради;

ташхислаш самарадорлиги бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Самарқанд тиббиёт институти 1 - клиникаси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси даволаш-консультатив амалиётида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 февралдаги № 8Н-Д/21 - сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 1 та Республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 9 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, улардан 6 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 113 саҳифани ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Болаларда диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдроми диагностикасининг долзарб масалалари»**, деб номланувчи биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда болалардаги ДЕГС ривожланиш механизми, этиологияси ва патогенези ҳақида илмий-амалий маълумотлар батафсил ёритилган. Инструментал ташхислашнинг мавжуд усуллари ва уларнинг натижалари, устунлик ва камчиликлар, шунингдек генетик тадқиқот нуқтаи назарлари тасвирланган.

Диссертациянинг **«Клиник материаллар ва текшириш усулларининг умумий тавсифи»**, деб номланувчи иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий усуллари келтирилган. Белгиланган вазифалар ечими учун 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 201 нафар болада клиник-неврологик, нейрофизиологик ва генетик текширув ўтказилди. Назорат гуруҳини 40та соғлом, ДЕГС мавжуд булмаган мазкур ешидаги болалар ташкил этган. Ушбу иш 2014-2016 йилларда ТошПТИ клиникаси бўлимлари ва поликлиникасида амалга оширилди. Генетик тадқиқотлар ЎзР ССВ Гематология ва қон қуйиш ИТИнинг Молекуляр тиббиёт ва хужайравий технологиялар бўлимида ўтказилди.


Текширилаётган болалар ёшига кўра қуйидаги 3 гуруҳга ажратилди: 6-9 ёш, 10-12 ёш ва 13-15 ёш (расм - 1).



1-расм. Текширилган болалар ёшлари фоиз ҳисобида кўрсаткичи

Қуйидаги диаграмма 10-12 ёшдаги болалар 50,3% фоизни, 6-9 ёшдаги 30,8% фоизни ташкил этганини кўрсатиб бермоқда.

Жинси томонидан фаркланишига кўра ДЕГС кўпроқ ўғил болаларда учраганлиги маълум бўлди ва уларнинг нисбати 1:2,6 ташкил қилади. Фоиз ҳисобида ўғил болалар 72,1% ни қизлар эса 27,9% ташкил қилди (расм-2).



2-расм. Жинсига оид текширувдан ўтган болаларни фоиз нисбати

Диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдроми (ДЕГС) ташхиси касалликларни ташхислаш Халқаро таснифининг 10 қайта кўриб чиқилган ҳамда ЖССТ томонидан тадқиқот ва тасхислаш мезони сифатида ДЕГС учун тавсия этилган Америка психиатрлари ассоциациясининг DSM-IV мезонлари (ЖССТ, 1994) асосида белгиланди. Иккала таснифда ҳам эътибор бузилишининг (9 та белгилар) рўйхати кўрсатилган 2 та қисм, гиперфаоллик ва импульсивликдан (9 та белги) иборат. Ташхис қўйиш учун 7 ёшгача пайдо бўлган, 6 ойдан кўпроқ сақланган, битта вазиятдан кўпроқ ҳолатда пайдо бўлган ва шунча ҳолатда акс этган, натижада боланинг етарлича мослашмаганлигига олиб келган ва унинг ёшига мос нормал хулқга эга

эмаслиги каби бир ёки икки қисмдаги 6 тадан кўпроқ белгилар мавжуд бўлиши зарур.

Кўрсаткичлардан ташқари бартарафлик мезонларни аниқлаш учун мутахассис шифокорлар консультацияси (педиатр, ЛОР шифокори, эндокринолог, психиатр, логопед) ўтказилди ҳамда қўшимча текширувлар тайинланди.

Бартарафлик мезонлари қуйидагилардан иборат:

- 5 ёшгача ва 15 ёшдан юқори ёшлар;
- аниқ акс этган неврологик белгилар ўчоғининг мавжудлиги;
- ақлий колоқлик;
- асаб тизимининг перинатал, жароҳатланиш ва инфекцион генездан оғир шикастланиши;
- психологик касалликлар;
- кўриш ва эшитишнинг чуқур бузилиши;
- аниқ акс этган логопедик нуқсонлар;
- ўткир оғир ва сурункали соматик ва эндрокин патология;
- анамнездаги эпилептик тутқаноклар.

Ташхисни бошқа ижтимоий муҳитда тасдиқлаш мақсадида ўқитувчи ва /ёки ота-она тўлдириши учун диагностик, стандартлашган Вандербильт сўровномасидан фойдаланилди.

Сўровнома баҳолаш шкалаларидан иборат:

- Дикқат етишмовчилиги;
- гиперфаоллик;
- импульсивлик;
- оппозицион хулқ;
- муаммоли хулқ;
- безовта-депрессиявий белгилар;
- ижтимоий мослашув.

Бош миянинг функционал фаоллигини ўрганиш учун биринчи текширувда функционал намуналар билан ёки қўшимча юкламаларсиз стандарт электроэнцефалограмма (ЭЭГ) текшируви ўтказилди.

Муҳим воқеликларга мотор жавоб қайтаришни шакллантириш ва ўзлаштириш жараёнлари билан боғлиқ бўлган миянинг электр реакциясини умум қабул қилинган Р-300 потенциалини когнитив келтириб чиқариш усулига кўра (В.В. Гнездицкий, 2001) «Нейрон-Спектр 4ВП» компьютер электроэнцефалографида (Россия) қайд этдилди. Усул миянинг электрли фаоллигининг рағбатга жавоб қайтарувчи заиф ва юқори заиф ўзгаришларни ажратиш билан боғлиқ бўлиб, рағбатни таниш ва эслаб қолиш билан боғлиқ бўлган мияда рўй берувчи эндоген воқеликларни акс эттиради. ВП усулининг муҳим устунлиги - ВП компонентларини мия тузилиши билан ўзаро мувофиқлаштириш имконияти бўлиб, бу ВП усулини клиник амалиётда самарали қўллаш учун мавжуд омил ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Р300 усули Халқаро ва Америка клиник нейрофизиологлари ассоциацияси томонидан ВП текширувида клиник қўллаш учун тавсия этиладиган усулларга киритилган.

Тоза қоннинг 94 хил намунасида DRD2 генининг rs 1800497 ва DRD4 генининг rs1800955 полиморф маркерлари генотип бўйича аниқланди. Тоза қондан ДНК ажратиш «Diatom™ DNA Prep 200» тўплами ёрдамида ишлаб чиқарувчи фирманинг стандарт протоколи бўйича (РФнинг ИзоГен лабораторияси) ўтказилди. ДНК намуналарини турларга бўлиш ДНКнинг энзиматик амплификацияси тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. ПЦР амплификациясини ўтказиш учун «GenTest PCR Core» тўпламидан фойдаланилди. Геннинг полиморф ҳудуди амплификациясини ишлаб чиқарувчи фирманинг стандарт протокоliga кўра ўтказилди. Амплификация натижасида 176 п.н.дан ташкил топган қисм СС - генотипга мос келди, 106 п.н. ва 70 п.н. - иккита қисмнинг мавжудлиги ТТ - генотипга мос келди, 176 п.н., 106 п.н. ва 70 п.н. - учта қисм мавжудлиги С/Тнинг гетерозигота ҳолати сифатида баҳоланди.

Тадқиқот жараёнида йиғилган клиник ва параклиник материаллар Statistica-6.0 дастури асосида статистик жиҳатдан таҳлил қилинди. Ушбу дастур асосида олинган маълумотлар ўртача арифметик ҳисоблаш (М), ўртача квадратик оғишма (σ), стандарт хатолар (m), нисбий ўлчам (частота, %) билан статистик қайта ишланиб тасдиқланди. Статистик муҳим ўзгаришлар учун ишончлилик даражаси $P < 0,05$ ни қўлладик.

Диссертациянинг «**Болаларда ДЕГС турли шакллари**нинг клиник-неврологик ва нейрофизиологик кўринишлари», деб номланган учинчи бобида ДЕГС мавжуд бўлган 201 нафар текширилган болалар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Таҳлил қилинаётган ДЕГСни шакллантирувчи хавф омиллари учта: тиббий-биологик, ирсий ва психологик-ижтимоий гуруҳларга бўлинди. Тиббий-биологик омиллар орасида ДЕГС мавжуд бўлган 91% (183 та бемор) болада оғирлашган акушерлик анамнези белгиланди, шунда назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 33,3% ни ташкил этди ($P < 0,05$). Бунда 20,4% ($P < 0,01$) ҳомиладорликлари аборт билан тугатилгани аниқланди. Ҳомиладорликни иккинчи яримида гипертензив синдроми (гестоз) 34,3% ($P < 0,01$) оналарда, гипертензив синдроми кўринишидаги ХФПН 15,4% ($P < 0,05$), хомилани тушиш хавфи 29,4% ($P < 0,01$) ва ҳомиладорлик даврида экстрагенитал касалликлари мавжудлиги 55,2% ($P < 0,01$) оналарда аниқланди. ДЕГС ривожланишига хомилани тушиш хавфи ҳисобига ҳомила бош миясининг гипоксик-ишемик шикастланиши (29,4%), оналардаги анемия (69,2%), хомилани бачадон ичида димиқиши (43,3%), киндик ҳалқасини чақалок бўйнига ўралиши каби омиллар муҳим аҳамиятга эга. Интранатал даврининг салбий омилларидан туғиш жараенидаги патологияси юқори частотаси (71,1%) аниқланди. Туғиш патологиясининг энг кўп учрайдиган сабаблари: туғиш муддатининг бузилиши (24,4%), туғиш даврида заифлашиш ва туғрукни кучайтирувчи воситалардан фойдаланиш (28,4%) дан иборат.

ДЕГС мавжуд бўлган болалар орасида тиббий-биологик омиллар тарқалганлигининг барча кўрсаткичлари назорат гуруҳидагиларга нисбатан ишончли юқори бўлди ($P < 0,05-0,001$).

152та ҳолатда (75,6%) болаларда эрта постнатал даврдаги асаб тизимининг перинатал шикастланиш белгилари Апгар шкаласи бўйича 6 дан 8 балгача баҳолаш билан аниқланди. Ушбу патология билан хасталанган ўғил болалар улуши қизларга қараганда ишончли юқори бўлди ($p < 0,05$). Оналарнинг 80 тасида (39,8%) барча 3 та даврнинг патологияси аниқланди ва фақатгина 11 нафар (5,5%) онада перинатал давр патологияси бўлмаган.

ДЕГС мавжуд бўлган янги туғилган чақалоқларда тана вазнининг пастлиги (39,8%), ликвор-томирлар дистензияси синдроми (17,4%), ҳаракат бузилиши синдроми (19,9%), вегето-висцерал бузилишлар (19,4%), умумий безовталик, таъсирчанликнинг ошиши, уйқу ва иштаха бузилиши, тез-тез қайт қилиши, жағ ва қўлларнинг титраши билан пайдо бўлган асаб-рефлектор таъсирланишнинг ортиши (28,4%) кўпроқ қайд этилди. Юқори таъсирчанлик синдроми болалик даврларининг барча босқичларида энг доимий синдром сифатида кузатилди. Оилавий анамнез маълумотларини ўрганиш жараенида ДЕГС болага ота - оналардан ирсий ўтганлиги 62та ҳолатда (30,8%) аниқланди: бунда 17% ҳолатда эркаклардан ва 9,4% ҳолатда аёллардан ўтганлиги аниқланди. Рухий-ижтимоий омиллар таъсири 63,2% (127 та бемор) болаларда белгиланди. Шунингдек, ДЕГС мавжуд бўлган болаларнинг оналари тўлдирган анкеталар таҳлили бўйича ҳомиладорликнинг айрим даврида (82,1%) ва тўлиқ ҳомиладорлик давомида (31,3%) ўтказилган юқори кучли рухий-эмоционал стресс, ҳомиладорликнинг барча даврларида депрессияли ва безовта-фобияли ҳолат (туғруқдан кўрқиш) (21,4%) назорат гуруҳидаги болаларга қараганда кўпроқ бўлганлигини кўрсатди. Оилавий нохуш рухий омиллар деб ота-она ўртасидаги чуқур зиддиятлар (27,4%), бола иштирокида (ёнида) ота-оналарнинг тез-тез тортишуви (17,4%), отанинг спиртли ичимликлар ва наркотик моддаларини қабул қилиши (12,9%), тўлиқсиз оилада тарбия топиш (10,9%) белгиланди. Тарбия беришда – жисмоний жазо бериш (37,8%), бақириш (62,7%) камчилик кабилар белгиланди. Кун тартиби ва уйқу тартиби бузилган 52,2% болаларда касаллик синдроми аниқланди. Ижтимоий-маиший аҳамиятлар орасида қониқарсиз яшаш шароити бўлган 38,3% оилада синдром белгиланди.

Синдромнинг энг кўп учрайдиган клиник кўриниши: кўшилган шакли (ДЕГС/ГД) – 52,8% (106 та бола) ҳолатда, диққат етишмаслигининг устунлиги (ДЕГС/Д) – 16,4% (33 та бола), гиперфаоллик устун бўлиши – 20,3% (41 та болада) ва импульсивлик – 10,4% (21 нафар болада) белгиланди. Диққат етишмовчилиги қиз болаларга қараганда кўпроқ ўғил болаларда аниқланди (20,7% ва 5,4% га мос равишда), бундан ташқари ўғил болалар гиперфаоллик каби кўринишлар частотаси кўплиги билан ҳам фарқ қилган (24,1% ва 10,7% га мос равишда), гиперфаоллик билан бирга диққат етишмовчилиги (51,7% ва 55,4% га мос равишда), импульсивлик эса кўпроқ қиз болаларда қайд этилди (3,4% ва 28,6% га мос равишда) (1-жадвал).

**Текширилаётган болаларни жинсидан келиб чиқиб синдромнинг
клиник кўринишлари бўйича тақсимлаш**

Синдромнинг клиник кўринишлари	Жинси			
	Ўғил болалар		Қизлар	
	Абс.	%	Абс.	%
Гиперфаоллик (n=41)	35	24,1	6	10,7
Импульсивлик (n=21)	5	3,4	16	28,6*
Гиперфаоллик+ диққат етишмовчилиги (n=106)	75	51,7	31	55,4
Диққат етишмовчилиги (n=33)	30	20,7	3	5,4*

Изоҳ: * - ишончлилик ўғил ва қиз болалар ўртасидаги маълумотларга кўра ($P < 0,05$)

Неврологик текшириш жараенида 109 нафар (54,2%) болаларда ҳар-хил даражадаги тарқалган микроўчоқлар неврологик белгилари аниқланди. Бурун-лаб бурмалари ассиметрияси шаклидаги турли мия иннервациясини бузилиши, горизонтал нистагм, тил девиацияси ва ҳоказолар аниқланди. Ҳаракат бузилишида мушак тонусининг ўртача ўзгаришлари қуйидаги типларда пайдо бўлди: гипотония 42 та болада (21,8%) ва дистония 14 нафар болада (6,9%). 154 нафар беморда (76,6%) ўртача ва сезиларли ошган пай рефлекслари ва анизорефлексия кўринишида рефлектор тизимида ўзгаришлар кузатилди.

ДЕГС бўлган беморларнинг ўзига хос хусусияти 88 та ҳолатда (43,4%) М.В. Dencla усулидан фойдаланиб аниқланган статистик (статик-локомотор) атаксия кўринишидаги координатор соҳасида ингичка моторика ва кичикмия атаксияси бузилиши, бармоқ-бурун, товон-тизза ҳаракатларини бажариш бузилиши кўринишидаги динамик атаксия элементларидан иборат. ДЕГС мавжуд бўлган болаларда ўтказилган кичик моторик тажрибаларда дизметрия, ҳаракатлар кетма-кетлигини секин бажариши белгиланди. Вегетатив бузилиш 46% болада турли ёш даврларида ва қўл ва оёқларнинг гипергидрози, қўл-оёқ совуқлиги, ҳиссий беқарорлик ва жиззакилик, оқ дермофагриз пайдо бўлиши кўринишида пайдо бўлган. Шунингдек, катта ёшли болалар гуруҳида қабзият ва диспепсик ҳолатга мойиллик, ҳаво етишмаслиги ва тахикардия кузатилди.

2-жадвалдан кўришиб турибдики, ДЕГСнинг турли типларидаги неврологик кўринишларнинг акс этиши бир хил эмас.

Шунингдек, 20% беморда нейроортопедик патологияси, жумладан, гавдани тик тутишнинг бузилиши, ясси оёқлик, оёқнинг патологик ҳолати ва бошқалар аниқланди. ДЕГС ўқиш ва ижтимоий мослашишга салбий таъсир кўрсатиб, алоҳида кўринишда ҳам ва бошқа неврологик бузилишлар билан ҳам учраши мумкин.

Болаларда ДЕГСнинг неврологик кўриниши

Кўриниши	ДЕГС (Г) (n=62)		ДЕГС (ДЕ) (n=33)		ДЕГС (Г+ДЕ) (n=106)	
	Абс	%	Абс	%	Абс	%
Ҳаракат бузилиши синдроми	11	17,7*	21	63,6	71	67,0
Астеник синдром	31	50,0	27	81,8*	81	76,4
Вегетатив бузилиш	26	41,9	14	42,4	53	50,0
Координатор бузилиши	25	40,3	13	39,4	50	47,2
Мия иннервацияси бузилиши	35	56,5*	17	51,5	57	54,3

Изоҳ: * - ишончлилиқ ГДЕС турлари ўртасидаги маълумотларга кўра ($P < 0,05$).

ДЕГСга энг кўп ҳамроҳлик қилувчи кўриниш тикоз бузилишидир. Текширилган гуруҳларда тикозли гиперкинезлар частотаси 6-9 ёшда 18,0% дан, 13 - 15 ёшда 40,0% гача ошган. Болаларда кўпинча кўзни пирпиратиш, қисиш, қошни учириш, тилни чиқариш ва лабларни ҳаракатлантириш билан оддий моторик тиклар кузатилди. Кўп ҳолларда беморда бирваракайига бир неча тиклар белгиланди. 16 та ҳолатда вокал тиклар белгиланди. 1 та ҳолатда вокал тиклар бир нечта ҳаракат тиклари билан бирга учради, бу Жиль де ля Туретта синдромини ташхислашга сабаб бўлди. 7 - 12 ёшли болаларда ДЕГС, одатда, дисграфия (7 - 9 ёшда 90,5 % ва 10-12 ёшда 49,0 %), дислексия – 86,8 % ва 38,1 % га мос равишда; дискалькулия – 84,9 % ва 49,0 % га мос равишда каби ҳамроҳлик қилувчи синдромлар билан мактабда ўқишга қийналиш билан кузатилди. 6-9 ёшда гиперфаоллик ва эътиборсизлик кўпинча нутқ ривожланиши бузилиши билан кузатилди. Тадқиқотга киритилган беморларни консултация қилиш жараёнида бола ёшига мос бўлмаган, чегараланган сўз бойлиги (72 %), билим эгаллашдаги паст фаоллик (82 %) белгиланди. Жумлаларни шакллантиришдаги қийинчилик олд кўшимчаларни мослаштиришнинг бузилиши ва гапларнинг «ноаниқ» тугаши кўринишида пайдо бўлди (81 %). Болалар тил ёрдамида сабаб-оқибат, вақтинчалик ва бошқа муносабатларни ифода эта олмадилар ва имо-ишора ёрдамида мурожаат қилишди (42,4 %). Барча ота-оналар товушни талаффуз қилиш бузилгани, кўпчилик ота-оналар «ноаниқ» сўзлар мавжудлиги ва сўзларда бўғинни қисқартириб талаффуз этиши (94 %), мунтазам ишлатиладиган сўзларнинг бузилишидан (76 %) хавотирда бўлишган. Мактабгача таълим муассасаларида, оилада мослашувидаги қийинчиларга ва боланинг невротизацияси ортишига ҳамда оилавий стрессга олиб келувчи ижтимоий муносабатларнинг бузилиши (43 %) қайд этилди. Нутқ бузилишининг даражаси турлича бўлган ва ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан фарқ қилган. Келтирилган маълумотлар гиперфаоллик сабаб эътибор етишмаслиги синдроми текширилган болаларда нутқ ривожланиши бузилишининг бир

хил эмаслигини кўрсатди. Кузатилаётган гуруҳлардаги беморларни текширишда дудуқланиш 22 ҳолатда (11,2 %) аниқланди. 40та ҳолатда (20,0 %) эса кузатилаётган гуруҳлардаги болаларда энурез белгиланди. Кичик синф болалар гуруҳида (7 - 9 ёшли 35,8 % болаларда) кўпинча, йиғлаш, баланд овозда бақириш, вегетатив бузилишлар (тез-тез нафас олиш, терлаш) каби белгилар билан тунгги кўркув пайдо бўлиши кузатиладиган парасомния синдроми қайд этилди. Шунингдек, 10 та болада уйқусида гапириш, 6 та болада бруксизм белгиланди. Бола улғайганда фобия частотаси ёки пасайди ёки фобиянинг бошқа тури билан алмашди.

ДЕГС даврида унга ҳамроҳлик қилувчи ва оғирлаштирувчи бошқа белгилардан бош оғриғи барча ёш гуруҳларида белгиланди, бироқ кўпроқ 10-15 ёшлиларда 64 та ҳолатда (31 %) у ҳам диффузиявий хусусиятга эга бўлган ҳам кучли босим билан бош оғриғи каби цефалгия аниқланди.

Жами коморбид бузилишлар ДЕГС бўлган 201 та текширилган боладан 141 нафариди, яъни 69,8 % ҳолатда аниқланди. Улардан 76 та беморда (37,8 %) битта коморбид бузилиш, 41 тасида (20,4 %) – иккита бузилиш, 20 нафариди (10 %) – учта ва тўрттасида (2 %) – тўртта коморбид бузилишлар белгиланди. Коморбид бузилишлар кузатилмаган «тоза» ДЕГС 30,2 % ни ташкил этди.

ЭЭГ хусусиятини белгилаш учун бола ёшига мослаштирилган (Н.Л.Горбачевская, Л.П.Якупова, 1999) Е.А. Жирмунскойнинг типлаштирилган таснифидан (1991) фойдаландик. ДЕГС мавжуд бўлган болалар ЭЭГсини визуал таҳлиллашда ЭЭГ типологияси маълум маънода худди шундай соғлом болалар орасида фарқланмагани белгиланди.

ДЕГС бўлган болалар ЭЭГсини визуал таҳлиллашда фаолликнинг турли патологик шакллари учраши белгиланди. Секин тўлқинли фаолликнинг диффузиявий ортган даражаси ДЕГС бўлган 57% болаларда белгиланди, 9%да секин тўлқинли фаолликнинг кучайган ўчоғи аниқланди. 53 % кузатувларда бета-фаоллик кучайгани, жумладан 28 % болада паст частотали бета-фаоллик кузатилди. 35 % кузатувларда миянинг у ёки бу томонида алоҳида ажралиб кўринган носпецифик пароксизмал фаоллик 43 % ҳолатда қайд этилди. Шу билан бирга, ЭЭГнинг алоҳида хусусиятларини таҳлил қилиш ДЕГС да бош мия БЭАнинг айрим етилмаган функциялари мавжудлигини билдирувчи бир қатор белгиларни кўрсатди. Масалан, ДЕГС мавжуд бўлган болалар ЭЭГсида 6-9 ёшдан бошлаб альфа-ритмнинг ўртача частотаси ДЕГС бўлган кичик ёшли болалар гуруҳи ва назорат гуруҳидагиларга қараганда 0,4-0,6 Гц.га паст бўлган. Асосий ритмнинг амплитудаси меъёрий кўрсаткичдан 20 мк.га ошган эди. ДЕГСда секин тўлқинли фаоллик индекси барча ёш даврларида ошганлиги 57 % кузатувларда белгиланди.

Гипервентиляция вақтида (3 дақиқа давомида максимал чуқур нафас олиш ва чиқариш ва бир дақиқада 20 та нафас машқлари билан ўтказилди) – босимнинг 1–дақиқасидаёқ, 4 Гц частотали диапазонда q-ритмик фаолликнинг генерализациялашган бир онли чакнаш кўринишида сезиларли ўзгариши белгиланди. Барча ёш даврларида юқори тарқалганлик (ўртача

45%ида), гипервентиляция тажрибасига аниқ ва оммавий реакцияни ДЕГСдаги миянинг чуқур тузилмалари ва қобиғи ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимининг етишмаслиги даражасининг кўрсаткичи сифатида баҳолаш мумкин (Н.Л.Горбачевская, 1982). Шунингдек, гипервентиляция вақтида ДЕГС бўлган болаларда секин тўлқинли фаоллик (3-5 Гц.) ҳам кўп ҳолатларда биринчи дақиқадаёқ пайдо бўлади ва бутун тажриба давомида сезилмас таъсирдан кейин (20-30 с.) тажриба тугагандан сўнг генерализациялашган, цикли хусусиятга (цикл давомийлиги 10-15 с.) эга бўлади. Шундай экан, ДЕГС бўлган болалар ЭЭГсини визуал баҳолашда ДЕГС да мия қобиғининг айрим орқада қолган шаклланишлари ҳақида билвосита маълумот берувчи белгилар аниқланди.

ДЕГС бўлган 40 % болада альфа-диапазоннинг сенсомотор ритми паст кўрсаткичда бўлган (20 % дан пастроқ) ёки ЭЭГ ёзуви вақтида визуал аниқланмаган, яъни унинг нуқсони белгиланмади. ДЕГСнинг турли клиник шакллари билан ЭЭГнинг бу хусусияти тахминан бир хил частотада учрайди: ДЕГС/ДЕ 39 % болада ва ДЕГС/Г 40 % беморда. ДЕГСнинг турли патогенетик вариантларида альфа-диапазоннинг сенсомотор ритмининг энг кўп етишмаслиги ДЕГСнинг аралаш этиологияси бўлган болаларда кузатилди (59 % болада ДЕГС/ДЕ).

КВН усулини қўллаш пайтида N2 яширинлиги ўнг мия ярим шарига нисбатан чап мия ярим шаридида ишончли узайган ($310,2 \pm 25,07$ ва $289,84 \pm 21,96$ мос равишда). N2нинг дастлабки босқичи чакка соҳасидаги стимулни таниш ва бир вақтда бош суягининг тепа қисми ассоциатив уланиши билан боғлиқлиги сабаб ДЕГС бўлган болаларга хос бўлган чап чакка етилмаганлигини ва сенсор интеграция жараёни бузилганлигини хулоса қилиш мумкин. Асосий гуруҳдаги болаларда P 300 яширинлигининг узайиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўнг мия ярим шаридида P 300 яширинлигининг кўрсаткичи $433,5 \pm 27,13$ мс.ни ташкил этган бўлса, соғлом тенгдошларда эса кўрсаткич $363,71 \pm 15,02$ мс.га тенглашди ($p \leq 0,05$), чап ярим шарда P 300 яширинлиги $451 \pm 28,18$ ва $361,28 \pm 17,94$ мс.га мос равишда тенглашди ($p \leq 0,05$). ДЕГС бўлган 11 та болада рағбатга сезиларли даражада паст жавоб қайтариш қайд этилди, жумладан, иккала ярим шардаги P 300 зичлиги таниш, фарқлаш, ёдда тутиш ва қарор қабул қилиш жараёнларининг аниқ ифодаланиш билан бузилганлигини кўрсатди.

Шундай экан, олинган маълумотлар ДЕГС бўлган болалардаги мия фаолияти функцияларининг кўп босқичли дисфункцияси ва сенсорли интеграция, стимуллар фарқи, ёдда тутиш ва қарор қабул қилиш жараёнлари бузилганини акс эттириши мумкин.

Диссертациянинг «**Болалардаги диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдромининг молекуляр-генетик ва цитогенетик тавсифи**», деб номланувчи тўртинчи бобида DRD2 ва DRD4 генлари ўртасидаги ассоциатив муносабат, Ўзбекистонда болаларда ДЕГС шаклланишидаги инсон темпераменти фазилатлари ва у ёки бу руҳий бузилиш шаклланишидаги даволаниш таҳлили келтирилган (яъни, ДЕГС

ривожланишида маълум бир ген ёки ген гуруҳининг жалб этилганлиги ҳақидаги гипотезани текшириш).

Беморларни танлаб олишда кузатилган гетерозиготалилик миқдори асосида баҳоланган DRD2 генининг 1800497 полиморфизмлари бўйича генотипик ҳар хиллиги $H_{obs}=0.44$ ни ташкил этади, назарий жиҳатдан эса кутилаётган гетерозиготалилик $H_{exp}=0.48$ га тенг бўлиб, кўрсаткич SNP динуклеотид полиморфизмларнинг максимал имконига яқинроқ. Аҳоли ўртасида танлашда H_{obs} ва H_{exp} миқдори 0.38 ва 0.4ни ташкил этди. Бунда ДЕГС бўлган текширилаётган ва назорат гуруҳларидаги болаларда гетерозиготанинг кузатилаётган частотаси кутилаётган гетерозигота частотаси билан таққослаганда 0.44/0.48 ва 0.38/0.4 мос равишда ишончсиз пасайган (гетерозигот етишмаслиги). С/Т гетерозигота етишмаслиги ГДЕС бўлган беморлар ва назорат гуруҳларида 8.0 % ва 5.0 % миқдорда ($D=-0.08$ ва $D=-0.05$) бўлган. Кутилаётган гетерозиготалиликнинг текширилаётган гуруҳлардаги кузатувлардан нисбатан оғиши ушбу локус бўйича танлашда сезиларли фарқ йўқлигини кўрсатади ($P>0.05$).

ДЕГС бўлмаган 48 та ўғил ва 49 нафар қизлар ўртасида DRD2 генининг rs1800497 полиморф локусини генотиплашда генотиплар тақсимланишининг деярли бир хил частотаси аниқланди. Бу гуруҳлардаги аллель ва генотиплар частотасининг статистик таҳлили кўрсаткичларда гендер фарқлар йўқлигини қайд этди ($\chi^2<3.8$; $p>0.05$), бу уларни бир гуруҳга «умумий» назорат танлашга бирлаштиришга имкон берди. ДЕГС бўлган гуруҳостидаги болаларда ва асосий гуруҳда DRD2 генининг rs1800497 полиморфизми генотиплари ва аллелларининг учраш частотасини таҳлиллашда назорат гуруҳи билан таққослангандаги сезиларли фарқлар белгиланди.

Иккала гуруҳдаги болаларда «С» аллели частотасининг сезиларли ошгани бир вақтда «Т» аллелининг учраш частотаси пасайиши билан белгиланди ($P<0.05$). «С» ва «Т» аллелларининг учраш частотаси беморларнинг бирлаштирилган гуруҳида 60,1 % ва 39,9 %ни, назорат гуруҳидаги танланган болаларда 72,7 % ва 27,3 % га мос равишда ташкил этди. Имкониятларга нисбатан ҳисобланган коэффициентга мувофиқ, «Т»аллели бўлган болаларда ДЕГС ривожланиш хавфи «С» аллелли бўлганларга нисбатан 1,8 марта юқори бўлган ($\chi^2=6.8$; $P=0.01$; $OR=1.8$; 95% CI1.14- 2.7). Умуман олганда, маълумотлар DRD2 генининг rs1800497 полиморфизлари «Т» минор аллелининг «С» аллелларига қараганда дофамин рецепторлар (салбий аллель) фаоллиги пасайиши билан ассоциацияланиши ҳақидаги тахмин билан мос келади ва ген экспрессиясининг кам интенсивлиги билан тавсифланади, бу эса стриатумда рецепторлар зичлиги камайишига олиб келади.

С/С, С/Т ва Т/Т генотипларининг тақсимланиш частотаси асосий гуруҳда - 38.3 %, 43.6 % ва 18.1 %, назорат гуруҳида эса – 53.6 %, 38.1 % ва 8.2 % ни ташкил этди. С/С генотипининг учраш частотаси ДЕГС бўлмаган болалар гуруҳида бу синдром бўлган болаларга қараганда (38,3 %) ишончли юқори (53,6 %) бўлган. OR имконияти нисбий кўрсаткичи <1 ($\chi^2=4.5$; $P=0.03$; $OR=0.5$; 95% CI0.30 - 0.95)ни ташкил этди, бу С/С генотипини DRD2

генининг rs1800497 локусига айлантиради ва у ДЕГС ривожланиш хавфини пасайтирувчи маркер бўлади (химояловчи самара).

ДЕГС бўлган беморлар гуруҳида Т/Т гомозигота генотипининг частотаси 18,1 % ни ташкил этди, бу назорат гуруҳида частотани оширади ва 8,2 % га тенглаштиради ($P < 0.05$). Ҳисобланган имкониятлар коэффициент нисбатига мос равишда Т/Т салбий генотипларнинг мавжудлиги ГДЕС ривожланиш хавфини 2,5 мартадан ортиқ оширди ($\chi^2 = 4.1$; $P = 0.04$; $OR = 2.5$; 95% CI 1.0- 6.01). DRD2 генининг С/Т+Т/Т rs1800497 генотиплари қўшилганидаги тақсимланиш частотасининг қиёсий таҳлили асосий гуруҳ ва назорат гуруҳида статистик жиҳатдан ишончли фарқни қайд этди (61.7% ва 46.3% га мос равишда; $\chi^2 = 4.5$; $P = 0.03$; $OR = 1.9$; 95% CI 1.04- 3.31). С/Т ва Т/Т генотиплари ташқи йўналтирилган гиперфаол (кўпроқ жахлдор) ахлоқ шаклланиши билан ишончли ассоциацияланди ва болаларда ДЕГС ривожланиш хавфини оширувчи маркер бўлади (функциявий салбий генотиплар).

Тадқиқотнинг кейинги босқичида DRD2 генининг rs 1800497 полиморфизми генотиплари ва аллеллари учраш частотасининг ДЕГС белгилари бўлган ўғил-қизлар гуруҳи ва назорат гуруҳи ўртасидаги қиёсий таҳлили ўтказилди (3-жадвал).

ДЕГС бўлган ўғил болалар гуруҳи ва назорат гуруҳидаги танланган болалар ўртасида «С» ва «Т» аллеллари частотасига кўра статистик жиҳатдан сезиларли фарқ белгиланди (59.8% ва 40.1% - 72.7% га қарши ва 27.3% га мос равишда; $\chi^2 = 5.9$; $P = 0.01$; $OR = 1.8$; 95% CI 1.11- 2.85) ва С/С ёввойи генотиплар ўртасида (36.4% ва 53.6% га мос равишда; $\chi^2 = 4.8$; $P = 0.03$; $OR = 0.5$; 95% CI 0.26-0.94). Ўғил болалар гуруҳида С/Т ва Т/Т салбий генотипларининг учраш частотаси назорат гуруҳига нисбатан ошишга мойиллиги борлиги белгиланди, бироқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлмади ($\chi^2 = 1.3$; $P = 0.3$; $OR = 1.4$; 95% CI 0.76- 2.7 ва $\chi^2 = 2.7$; $P = 0.1$; $OR = 2.2$; 95% CI 0.84-5.87 га мос равишда), бу эса танлаб олишдаги кам миқдорга боғлиқ бўлиши мумкин.

3-жадвал

DRD2 генининг С/Т полиморфизм генотиплари ва аллеллари учраш частотасининг ДЕГС бўлган ўғил болалар гуруҳи ва назорат гуруҳидаги фарқи

Аллель ва генотиплар	Текширилаётган аллель ва генотиплар миқдори		Статистик фарқ
	Ўғил болалар	Назорат-дагилар	
С аллеляси	79	141	* $\chi^2 = 5.9$; $P = 0.01$; $OR = 1.8$; 95% CI 1.11- 2.85
Т аллеляси	53	53	
С/С генотипи	24	52	* $\chi^2 = 4.8$; $P = 0.03$; $OR = 0.5$; 95% CI 0.26- 0.94
С/Т генотипи	31	37	$\chi^2 = 1.3$; $P = 0.3$; $OR = 1.4$; 95% CI 0.76- 2.7
Т/Т генотипи	11	8	$\chi^2 = 2.7$; $P = 0.1$; $OR = 2.2$; 95% CI 0.84- 5.87
С/Т+ Т/Т	42	45	* $\chi^2 = 4.7$; $P = 0.03$; $OR = 2.0$; 95% CI 1.06- 3.84

Изоҳ: *– фарқ статистик жиҳатдан ишончли

ДЕГС мавжуд бўлган ўғил болаларда С/Т+Т/Т салбий генотипларнинг умумий частотаси ҳам назорат гуруҳи билан таққослаганда юқори ишончли бўлганлиги аниқланди (63.7% ва 46.3%, га мос равишда; $\chi^2=4.7$; $P=0.03$; $OR=2.0$; 95% CI 1.06- 3.84). ДЕГС бўлган қизлар гуруҳости ва назорат гуруҳдагилар ўртасида DRD2 генининг rs1800497 полиморфизми генотиплари ва аллелларининг тақсимланиш частотасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқ аниқланмади ($p>0.05$). Бироқ, бунга қарамасдан, ДЕГС бўлган қизлар орасида салбий «Т» (С/Т ва Т/Т) аллеллари таркибли генотиплар тўпланишига мойиллик кузатилди, бу шунингдек, кам сонли танлаб олишга ҳам боғлиқ бўлган. Ишончли фарқлар йўқлигига қарамасдан, ДЕГС белгилари бўлган қизларда Т/Т гомозиготали генотип частотаси ошишига мойиллик эътиборни тортади. Масалан, ушбу гуруҳостида Т/Т генотипи частотаси 21,4%ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида 8,2%ни ташкил этди. Ушбу генотип учун OR нисбий хавф кўрсаткичлари унинг хавф кўрсаткичларини белгилаб 2,1 га етди ($\chi^2=1.8$; $P=0.2$; $OR=2.1$; 95% CI 0.69- 6.69).

ДЕГС белгиси бўлган ўғил ва қиз болалар ўртасидаги DRD2 генининг rs1800497 генотиплари тақсимланиш частотаси статистик жиҳатдан сезиларли фарқ қилмаган ($\chi^2<3.8$; $P>0.05$) (4-жадвал). «Т» салбий аллель таркибли генотиплар (С/Т ва Т/Т ёки А1/А2 ва А1/А1 генотипларга мос равишда) болаларда ДЕГС ривожланиш хавфи ошишини прогнозловчи мустақил генетик маркерлар ҳисобланади. С/С генотипи (А2/А2) ушбу синдром белгилари шаклланишида ҳимояловчи самарага эга.

4 -жадвал

DRD2 генининг С/Т полиморфизи генотиплари ва аллеллари учраш частотасининг ўғил бола ва қизлар гуруҳостидаги фарқи

Аллель ва генотиплар	Текширилаётган аллель ва генотиплар миқдори		Статистик фарқ
	Ўғил болалар	Қизлар	
С аллеляси	79	34	$\chi^2<3.8$; $P>0.05$
Т аллеляси	53	22	
С/С генотипи	24	12	
С/Т генотип	31	19	
Т/Т генотип	11	6	

